



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ АХБОРОТ ИМКОНИАТИНИ ОШИРИШ

Суванқулов А.Р.¹, Эргашова Н.С.²

¹ТМИ и.ф.н., ²ТМИ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5774549>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01 - dekabr 2021
Ma'qullandi: 05 - dekabr 2021
Chop etildi: 10 - dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Бюджет
ташкilotлари, давлат
сектори, ҳисоб, ҳисобот,
молиявий ҳисобот,
бюджет
самарадорлиги,
бюджет шаффолиги

ANNOTATSIYA

Жаҳон молиявий муносабатларини глобаллашуви шароитида давлат бюджетининг роли ўсиб боради. Бу шароитда мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва уни ресурслари самарали бошқариш мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлайди. Ушбу мақолада бюджет ташкilotларида молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини ошириш орқали ундан фойдаланувчиларга тўлиқ ва шаффоф маълумотлар тақдим этиш уларнинг инвестицион жозибadorлигини масалаларини ёритишга қаратилган

1. Кириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал ривожлантириш учун бошқарув услублари ва механизмларини такомиллаштириш заруратга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг самарадорлигини ошириш, уни тизимига замонавий технологияларни жорий этишга,

бюджет шаффофлигини ошириш, Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, Давлат бюджетини ўрта муддатли давр учун режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш, фуқароларни бюджет жараёнида иштирокини оширишга катта эътибор берилмоқда.

Шу мақсадларда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августда 506-сонли “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини



тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифаларини амалга ошириш, Молия вазирлиги тизимида замонавий ахборот - коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, жамлаш ва қабул қилиш жараёнларини янада такомиллаштириш, ҳисоботларни ягона манбаидан фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг¹ 163-моддасига мувофиқ бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларига 2017 йилнинг III-чорагидан бошлаб электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда “UzASBO” дастурий мажмуи орқали электрон шаклда тақдим этиш жорий этилди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Хусусан, мамлакатлар миллий иқтисодийнинг барқарор ўсишини

¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, ЎРҚ-360-сон Қонуни билан 26.12.2013 йилда тасдиқланган. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

таъминлашда ҳисоб ва ҳисоботларни халқаро миқёсида мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда мамлакатларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, молиявий ҳисобот гармонизацияси ва халқаро унификацияси, уларнинг муҳим ва ажралмас объекти ҳисобланган молиявий активлар ҳисобининг ҳозирги ҳолати, таснифи, уларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттиришни такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар алоҳида ўринга эга. Бу борада молиявий активлар, жумладан узоқ муддатли ва муддати узайтирилган дебиторлик қарзлари, пул маблағлари ва пул эквивалентлари, солиқ активлари, ҳиссали қатнашиш асосида киритилган инвестицияларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш методологиясини такомиллаштириш ўта долзарб ҳисобланади.

С.И. Лушиннинг фикрича, «бюджетнинг самарадорлиги аниқ бюджет харажатларининг самарадорлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, бюджет маблағларининг сарфланишини таҳлил қилиш алоҳида йўналишларда амалга оширилиши ва молиявий ҳисоботларда атрофлича ёритилиши керак.»²

Бошқа томондан, А.Дейкиннинг фикрича, “...биргина харажатлар самарадорлигини оширишнинг ўзи бюджет самарадорлигини ошира олмайди, бу бюджет ташкилотларининг

² Лушин, С.И. Об эффективности государственного бюджета / С.И. Лушин // Финансы. – 2014. – № 10. – 15.



молиявий ҳисоботларини тузишда ўз аксини топади.”³

Бу борада бюджет ташкилотлари ҳисоботларини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IPSAS) мослаштириш, фуқаролар учун бюджет концепциясини ҳаётга татбиқ этиш, ўрта муддатли бюджетни прогнозлаштириш, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини баҳолаш учун «Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA)», «Давлат молиясини бошқаришда ўзаро таълим ва тажриба алмашиш» (PEMPAL) каби амалиётлар муҳим аҳамият касб қилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилган 2971 сонли Қоидаларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан даврий молиявий ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибини белгиланди. Унга биноан Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузади ва топширади.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларларни ташкил этиш услубиёти, уларни амалга оширишда инфор­мацион технологияларни кенг жорий этиш билан уларни ахборот имкониятларини ошириш ва улар ҳисобини юритилшини хусусиятлари мамлакатимиз ҳамда хорижда фаолият юритаётган қатор иқтисодчи олимларни ўрганилган ва илмий ишланмалар амалга оширилган.

Ушбу муаммоларга бағишланган илмий изланишларнинг муаллифлари қаторида⁴, Қўчқоров Ж.А., Меҳмонов С.У., Убайдуллаев Д.Й., Қўчқоров Т.С., Пўлатов Д.Х. ва бошқаларни келтириш мумкин.

Жаҳон амалиётида бюджет тизимининг молиявий ахборотларини шакллантириш бўйича талаблар Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланган бўлиб, ушбу стандартларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш асосида мамлакатлар миллий ҳисоб тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Халқаро амалиётда Давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосан икки усули, яъни касса усули ҳамда ҳисоблаш усуллари мавжуд. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда дунё

³ Дейкин, А.П. Нищета эффективности / А.П. Дейкин // Политический журнал. – 2014. – № 19. – 18.

⁴ Кучкаров Ж.А. Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Т.: Издательский дом «Мир экономики и права» -

2005 – 320 с, Меҳмонов С.У. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: Фан ва технология нашриёти. 2012 – 352 б., Пўлатов Д.Х. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари қисмининг ғазна ижроси жараёни Журнал Молиячи маълумотномаси 2012 йил 4 сон 15 б.



мамлакатлари давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда 22,5 фоизи ёки 27 та давлат соф касса усулидан, 25 фоизи ёки 30 та давлат модификациялашган касса усулидан, 21,7 фоизи ёки 26 та давлат модификациялашган ҳисоблаш усулидан, 30,8 фоизи ёки 37 та давлат соф ҳисоблаш усулидан фойдаланади⁵. Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш давлат активлари ва мажбуриятларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг шаффофлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, бюджет тизими бюджетлари ижроси тўғрисида ишончли ахборотларни шакллантиришда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Халқаро иқтисодий амалиётда нуфузли муассасалар ҳисобланган БМТ, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, шунингдек бошқа шу каби халқаро ташкилотлар, Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлари (кейинги матнларда-МҲХС) Кенгаши томонидан Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини мамлакатлар амалиётига жорий этиш мақсадида кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда ва ҳозирги кунга келиб 34 та Давлат секторининг МҲХС тайёрлаган ва кўпчилик мамлакатлар амалиётига жорий этилмоқда.⁶

Ривожланган давлатлар тажрибаси ва илмий ютуқларини тадқиқ этиш асосида давлат секторида, хусусан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини кенгайтириш бюджет тизимида маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсадларни амалга ошириш учун бюджет ижросида ҳисоб тизимини Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш бўйича мўлжалланган тадбирлар режасини тасдиқлаш белгиланган. Мамлакатимизда бюджет ижроси жараёни ва бюджет ҳисоби ва молиявий ҳисоботлари маълумотларининг шаффофлигини таъминлаш учун молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини кенгайтириш ва такомиллаштиришда халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

4. Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон

⁵ <https://ec.europa.eu/eurostat/documents/web-sayti-maълумотлари-асосида-тайёрланган>.

⁶ PwC Global Survey on Accounting and Financial Reporting by Central Governments. 2nd

Edition. PwC. (2015),
<https://www.pwc.co.uk/assets/pdf>



Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида 2020 йил 5 октябрда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5598-сонли Фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мамлакатда ахборот технологияларни кенг ва самарали жорий этиш ва бунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг самарадорлигини ошириш, уни тизимига замонавий технологияларни жорий этишга, бюджет шаффофлигини ошириш, Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, Давлат бюджетини ўрта муддатли давр учун режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш, фуқароларни

бюджет жараёнида иштирокини оширишга катта эътибор берилмоқда.

Шу мақсадларда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августда 506-сонли “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бунда бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари тайёрлашни такомиллаштириш ва уларни ахборот имкониятларини кенгайтириш ҳам муҳим урин эгаллайди.

1) Бюджет ҳисоботи тизимида автоматлаштириш даражасини ошириш учун ахборот тизимларини такомиллаштириш, бунда амалдаги бюджет ҳисоботларини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ автоматлаштириш учун ДМБАТ ва «ЎзАСБО» каби дастурий мажмуаларни янада модернизациялаштириш;

2) Бюджет ташкилотлари ҳисоботини тайёрлаш борасида автоматлаштирилган ахборот тизими дастурини ишлаб чиқиш ва уни молиявий хавфсизлигини таъминлаш;

3) Бюджет ташкилотлари ахборот тизимини умумлаштириш ва молия тизимида ягона ахборот дастурини яратиш, бунда хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш;

Давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ДСХМХ) га мувофиқ ҳисоблаш методига бошқичма-бошқич ўтиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш



FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. 2013, 26 декабрь, //www.lex.uz .
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон //www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”га ПФ-6300-сон Фармони, //www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4699-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони, <https://lex.uz/>.
6. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2169 сон, Молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғи, <https://lex.uz/>.
7. “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги рўйхат рақами 2971, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 182-сон, <https://lex.uz/>.
8. Кучкаров Ж.А. Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Т.: Издательский дом «Мир экономики и права» - 2005 – 320 с,
9. Меҳмонов С.У. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: Фан ва технология нашриёти. 2012 – 352 б., Пўлатов Д.Х. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари қисмининг ғазна ижроси жараёни Журнал Молиячи маълумотномаси 2012 йил 4 сон 15 б.
10. <https://ec.europa.eu/eurostat/documents/> веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланган.
11. PwC Global Survey on Accounting and Financial Reporting by Central Governments. 2nd Edition. PwC. (2015), <https://www.pwc.co.uk/assets/pdf>
12. Лушин, С.И. Об эффективности государственного бюджета / С.И. Лушин // Финансы. – 2014. – № 10. – 15.
13. Дейкин А.П. Нищета эффективности / А.П. Дейкин // Политический журнал. – 2014. – № 19.
14. https://en.wikipedia.org/wiki/Institute_of_Internal_Auditors.
15. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти.
16. <https://ec.europa.eu/eurostat/documents/> расмий веб сайти.